

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 2 февраль • сешанба № 5 (1001)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

✓ Юсак маънавият — енгилмас куч

Ўзбекистондаги ислохотлар стратегияси

маънавият, тараққиёт ва амалий натижалар

Ўзбекистон мустақиллигининг ilk йили, мамлакатимизда "Алишер Навоий йили", деб эълон қилинганлигини маънавиятга ва маърифатга қаратилган эътиборнинг ҳаётдаги амалий ифодаси сифатида алоҳида қайд этиш лозим. Давлат тузуми мутлақо ўзгарган, жамият ҳаёти янгиланган, тараққиёт сари дастлабки қадамлар ташланаётган бир пайтда Навоий даҳосига ҳурмат кўрсатиш, халқимизнинг маънавий юксалишига том маънода ижобий таъсир кўрсатган эди. Айнан шу йилдан бошлаб, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда уйғониш рўй берди.

Рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2015 йилда Ўзбекистонда янги ички маҳсулот 8 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Жаҳонда бугунги кунда ҳам молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда бутун дунё мамлакатлари орасида бундай юсак иқтисодий натижаларга эришиш учун жамият аъзоларининг юсак маънавиятли ва маърифатли инсонлар бўлиши талаб этилади.



✓ Барҳаёт сиймо

Буюк зот олдида мангу эҳтиром

ДАВЛАТШОҲ Самарқандий ўз таъкирасида бу улуг амир давлатнинг пуштипа-ноҳи, миллатнинг таянчидир, деб ёзганида буюк Алишер Навоийнинг давлат ва давлатчилик бора-сидаги амалий ишлари, асарларида илгари сурилган ўғитларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Зеро, мамлакатни идора этишнинг барча жабҳалари қамраб олинган "Муншаот"да, кириш, сарф-харажат, қилинган ишлар баённомаси бўлган "Вақфия"да, ҳаттоки "Хамса" дostonларида ҳам давлат мустақиллиги ва беҳатарлигини барқарор сақлаб туриш, мамлакатни адолат билан бош-

қариш, эл-юрт осойишта-лигини таъминлаш, обо-дончилик ишларига аҳамият бериш, турли тоифа ва табақага мансуб кишиларнинг турмушини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратди ва бунда ўзининг сай-харақатлари, шахсий ибрати билан иш-тирок этди. Маълумки, ҳазрат Навоий 1494 йилда туркий тилдаги мактубларини тўплаб "Муншаот" ("Мактублар") мажмуасини тузган. "Муншаот"да шу нараса алоҳида таъкидланадики, ҳарамдан чиққач, эрталаб кишиларнинг арз-доди эшитилса, кечкурунлари аркони давлат билан мол-

мулк ишлари муҳокама этилса, давлат арбоблари кунлик ишларидан ҳисоб бериб турсалар, чоғир ичишдан қаттиқ сақланил-са; бўш вақтларда кутуб-хонада кироат қилинса, вазирларга таворех китоб-лари, хусусан, "Зафарно-ма" такрор-такрор ўқиб туришга буюрилса, девон беклари маҳкамада фуқа-ролар иши тўғри йўлда бўлишига бош-қош бўлса-лар, қозилар ҳар бир ишни адолат тарозусига қўюб ҳал этсалар, мажлис-лар тартиб билан ўтказил-са, тайин этилмаган киши-лар киргизилмаса, чегара-ларнинг дарвозалари қат-тиқ қўриқланса; бошқа

юртлардан келган бозир-гонлар, савдогарларга ҳурмат-эътибор кўргузил-са, улардан солиқ шариат қонунлари асосида олин-са, гуноҳкорлар қаттиқ жа-золанса ва бу ҳолат бутун мамлакатга тарқатилса, давлатни идора этишда, энг мақбул иш бўлади. Бизнингча, мамлакатни бошқариш усулларидан бохабар, унинг бирор-бир жабҳасида фаолият кўр-сатган шахсгина бундай теран ва кенг қамровли хулосаларни бера олади. Зотан, бу улуг зот тему-рийлар давридаги сўнгги йирик дав-латнинг вужудга келиши ва қирқ



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги иқтисослашган "Адолат" нашриётида "Навоий асарларининг миллий маънавиятимизда тутган ўрни" мавзусида довра суҳбати ташкил қилинди. Тадбирда вазир-лик тизимидаги "Инсон ва қонун" газетаси ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" журнали таҳририятлари ходим-лари ҳам иштирок этди.

Буюк мутафаккир бобомиз, ўзбек адабий тили-нинг асосчиси, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида умрини Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижодини ўрганишга бағишлаган ада-биётшунос олим, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамо-ни Суйима ГАНИЕВА иштирок этди.

Бугунги авлод шу муқаддас заминга муносиб бўлиб вояга етишида кимларнинг авлоди эканлиги-ни билиши, Ватан тарихи, унда яшаб ўтган Навоий сингари аждодларини англаши қатта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олганда, Суйима Ганиеванинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Олима Эрондан Алишер Навоий қўлёзмасини топиб, унинг нусхасини Тош-кентга олиб келди, унинг қатор изланишлари ту-файли ўзбек адабиёти тарихининг биз билмаган янги саҳифалари очилди.

Суйима Ганиева Алишер Навоийнинг бой ижодий мероси, ибратли ишлари ҳақида гапириб, у яшаган тарихий давр, адабий муҳит ҳақида тўхтади.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: Тадбир иштирокчилари



Навоий ҳикматлари

Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам злини шод қил.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдан анга яхшилик.

Бировким эрур ростликдан йироқ,
Онингдек киши бўлмагани яхшироқ.

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Кимки улугроқ, анга хизмат керак,
Кимки кичикроқ, анга шафқат керак.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.



Ўзбекистондаги ислохотлар стратегияси

маънавият, тараққиёт ва амалий натижалар

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Юксак инсоний фазилатларга эга, жамият ва давлат олдидидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайдиган одамлар қатламининг вужудга келиши, мамлакат тараққиётига пойдевор бўлади. Шу боис бугун дунё ҳам-жамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини белгилувчи муҳим омиллар сирасига маънавий баркамол, сиёсий маданияти юксак, ижтимоий фаол, бир сўз билан айтганда, маънавий уйғоқ авлоднинг тарбиялаш каби муҳим вазифалар киритилган ва бу давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган.

Давлат раҳбари юксак маънавият, жамиятнинг онгли, фуқаролик туйғусига эга, фаол аъзоларини шакллантиришни асосий мақсад сифатида қўйган экан, "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз", деб номланган маърузасида, бу вазифани қўйидагига белгилаб беради: "Хар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатини марказида бўлиши шарт.

Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — имон-этиқоиди бутун, иродаси бакуватат эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир".

Ўзбекистон мустақиллигининг ilk йили, мамлакатимизда "Алишер Навоий йили", деб эълон қилинганлигини, маънавиятга ва маърифатга қаратилган эътиборнинг ҳаётдаги амалий ифодаси сифатида алоҳида қайд этиш лозим. Давлат тузumi мутлақо ўзгарган, жамият ҳаёти янгиланган, тараққиёт сари дастлабки қадамлар ташланаётган бир пайтда Навоий даҳосига ҳурмат қўрсатиш, халқимизнинг маънавий юксалишига том маънода ижобий таъсир қўрсатган эди. Айнан шу йилдан бошлаб, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда уйғонish рўй берди. Орадан беш йил ўтиб, 1996 йил Сохибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Унинг ибратли ҳаёти, улкан бунёдкорлик ишлари илмий тадқиқ этилиб, атрофича ўрганилиб, у киши ҳақида жуда кўп-лаб китоблар нашр этилди. Хусусан, давлат бошқаруви тўғрисидаги қарашлари, ҳаётини хулосалари акс этган ва дунёнинг қатор тилларига таржима этилган "Темур тузуклари" асари чоп этилди.

Шу ўринда Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асариде баён этилган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: "Шахсан мен "Темур тузуклари"ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандай бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-так-



рор муружаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озик бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётини эканлиги кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, "Таърибамда қўрилган ким, азин қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён".

Ҳақиқатан ҳам бобомизнинг ҳикматли сўзлари бугунги тез ўзгараётган, мураккаб ва таҳликали, инсоният деярли ҳар кун ишчи ва ташвишли воқеалар гирдо-биде қолаётган жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли моҳоро-лар, ҳалқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдидлар ҳамда ҳавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Лоқайдлик инсоннинг энг катта душмани. Онгли инсон ҳаётда ҳеч қачон лоқайд бўлмаслиги керак. Лоқайд инсон ҳеч қандай мақсадга эриша олмайдди. Айтиш кераки, маънавиятга берилган эътибор тўғрисида ана шундай улуғ аҳдоқдоримизнинг ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси бугунги авлод қўлига етди. Аввало, бундай амалий ишларнинг туб замирида бугунги авлоднинг мана шундай буюк аҳдоқдорга муносиб ворис бўлишига даъват қилиш, ундаш ётади.

Кейинги йилларда машҳур табиб, улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асарининг нашр этилгани, бутун башариёт аҳлининг маънавий тараққиёти юксалишига бетакрор асарлари билан улкан ҳисса қўшган Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бир неча жид-лики китобларининг чоп этилгани, шох ва шоир, давлат рабоби Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди батафсил ўрганилиб, натижада "Бобур энциклопедия-

си"нинг вужудга келганлиги, "Мубайян ва насрий баёни" китоби нашр этилиши, Мирзо Муҳаммад Хайдар Абёзининг "Тарихи Рашидий" китобининг тўлиқ наشري маънавият соҳасидаги ишларнинг амалий натижасидир.

1997 йилдан бошлаб, мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртиларига "Маънавият асослари" соатлари киритилди. 1994 йилдаёқ Республика "Маънавият ва маърифат маркази" ташкил этилди. Унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари самарали фаолият юрти бошлади. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбар этиб белгиланди. Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий го-тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва тарқибий тузилиши қайта қўриб чиқилди. Республикадаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида яна қатор ижобий қора-тадбирлар амалга оширилди.

Маънавиятга ва маърифатга қаратилган эътибор ҳақида гап кетганда, айни пайтда 6,5 миллиондан ортиқ маънавият дурдоналари ўзиде жамланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига алоҳида тўхталиш лозим. 2011 йилда истиқлол йилларида шаклланган бунёдкорлик ва шаҳарсозлик маданиятининг ҳосили сифатида мазкур кутубхонанинг салобатли, ноёб, ўта замонавий биноси ҳа-роstdлаш ва пойтахтнинг маъна-вият ва маънавият маркази вужудга келди. Маҳаббатли бинога эга бўлган кутубхо-нада кўп-лаб қулайликларга эга бўлган бир неча ўқув заллари мавжуд. Кутубхона бир неча бўлимдан иборат бўлиб, шулардан бири "Но-дир нашр ва кўлэмалар" бўлимидир. Айни пайтда бу

ерда ўн беш мингдан зиёд ноёб кўлэмалар ва тошбосма асарлар сақланмоқда. Албатта, кўп асрлик тарихни чуқур ўрганиш, тадқиқ қилишда ушбу кўлэмалар муҳим манба ҳисобланади. Унда сақланаётган Замаҳшарийнинг "Муқаддима-т ул-адаб", Махмуд Қошғарийнинг "Девони лугатит турк", Алишер Навоийнинг "Ҳамса", "Тарихи мулки аҷам" каби асарларининг кўлэмалари ва тошбосма нусхалари жуда катта маънавий бой-ликларимиз ҳисобланади. Кутубхонага замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларининг тадқиқ этилиши натижасида мана шундай ноёб кўлэмаларни асраб-

авайлаб, келгуси авлодларга етказиш борасида имконият яратилмоқда. Бугунги кунда, нодир адабиётларнинг элек-трон муқобили яратилиб, каталоглари тузиб чиқилган. Китобларни қайта тиклаш ва электрон нусхага ўтказиш жа-раёни ҳам замонавийлашти-рилган. Кутубхонада 220 та компьютер, 20 та нетбук, 10 та инфоюкс, симсиз Wi-Fi алоқаси, хорижий электрон маълумотлар базасидан фой-даланиш имкониятини ярат-ди. Айни пайтда изланувчи-лар учун Германия, АҚШ, Хи-той, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Россия каби ўндан ортиқ давлатлардаги нуфузли кутубхоналар билан ўрнатилган ҳамкорлик тўғрй-ли китобхоналар учун ҳалқа-ро илмий тадқиқот манба-ларидан бепул фойдаланиш имконияти мавжуд. Маъна-вият ва маърифат тарқатган-зиё масканиде "Туркистон тўплами" мавжуд бўлиб, ушбу тўпламдан 1870 — 1917 йил-лар оралиғида жаҳон матбу-отида Туркистон ўлкаси, на-ботот олами, археологияси ва умуман, халқ турмуш ма-даниятига оид мақолалар жой олган. Бундан ташқари, ку-зиш тубхона фондида XVI — XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган 4 мингдан зиёд нодир асарлар сақланапти. Жумладан, 1723 йилда Па-рижда чоп этилган "Темур-бек тарихи" асарини мисол тариқасида келтириш мум-кин.

Бугунги кунда, Миллий кутубхона фондида 6,9 мил-лионга яқин мате-риал бўлиб, шу-лардан, 16 мингтаси нодир нашрлар, 3,8 миллионга яқин китоблар, 1,5 миллионга яқин даврий нашрлар, 58 мингта-си нота нашрлари, 525 мингтаси илмий-техник ҳуж-жатлар, 552 мингтаси дунё-нинг 75 тилидаги хорижий нашрлар, 558 мингтаси ав-торфератлар, 14 мингдан ош-иғи диссертациялар ва 220 мингтаси электрон ки-тоблардир.

Ҳуқуқий маданият — ум-вий маданиятнинг ажралмас тарқибий қисми эканлигидан келиб чиқиб, кенг жамоатчи-лиқнинг ҳуқуқий маданияти-ни юксалтириш мақсадида 1997 йилда "Жамиятда ҳуқу-

қий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури" қабул қи-линди. Унда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муноса-батларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигининг юксалишини таъминлаш, юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан би-ри сифатида белгиланган. Мамлакатимизда таълим ти-зимининг барча босқичлари-да ҳуқуқ дарсларининг ўқи-лиши самарали йўлга қўйил-ди. Ўзбекистон Конституция-сига асосан узлуқсиз таълим тизимиде ҳуқуқий таълим мак-табча тарбия муассасалари-дан бошланиб мустақил таъ-лим билан якунланади. Бош-ланғич синфларда ўқувчилар мустақил Ўзбекистон давла-тининг Конституцияси ҳақи-даги ҳуқуқий билимларни "Конституция алифбоси" дарсларида оладилар. Бу дарс I-IV синфлар ўқув режа-сига киритилган бўлиб, дарс жадваллари асосида ўтилади.

Қўсиқ тахлил сифатида айтдиган бўлсак, бугунги кунга келиб маданиятлар-нинг ўзаро таъсири, маъна-виятга эътиборсизлик оқиб-атида айрим мамлакатларда айнан маънавий ва ахлоқий таназул рўй бераётган ҳо-латларни ҳам қўриш мумкин. Ундан ташвиш тортган аме-рикалик сиёсатшунос Патрик Бьюкенен қаламига мансуб "Фарбинг ҳалокати" номли китоб нашр этилди ва у дунё жамоатчилиги ўртасида қиз-гин мунозара ва мулоҳаза-ларга сабаб бўлди. Муаллиф мазкур жиддий муаммодан ташвиш чекиб, қуйидагича ёзади. "Фарб ҳалокат сари бормоқда. Фарб халқлари ўзларидан қўлайми қўйди, фарбий мамлакатлар аҳоли-си шиддат билан қисқармоқ-да. Ўн тўртинчи асрда Евро-панинг ўндан бирини қириб юборган Қора ажалдан ке-йин биз бундан жиддийроқ ҳавфга дучор бўлмаган эдик. Ҳозирги танглик фарб цивили-зациясига таҳдид солмоқ-да. Бугунги кунда, Европа-нинг ўн етти мамлакатиде ўлиш тугилишига қараганда анча юқори, буларда бешик-ларга қараганда тобутлар кўпроқ керак бўлмоқда. Ка-толиклар, протестантлар, православлар — бари фарб цивилизациясининг улкан дафн маросимида иштирок этмоқда".

Минг афсуски, сиёсатшу-нос томонидан қайд этилган фикр-мулоҳазалар ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан йироқ эмас. Бугунги глобаллашув шароити чуқурлашиб бора-ётган бир пайтда бундай муд-ҳис ҳолатлар қутилмаганда бошқа бир халқнинг маъна-вий ҳаётига ҳам салбий таъ-сирини қўрсатиши эҳтимол-дан ҳоли эмас.

Ўзбекистонда бунга қар-ши курашининг концептуал-ғояси ишлаб чиқилган. Зеро, Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жа-ҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак".

Арслон ЭШМУРДОВ,
журналист

Буюк зот олдида мангу эҳтиром



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

йил сақланиб туришида бемисл хизмат қўрсатган, "амири кабир" (улуғ амир), "амир мураккаб" (подшоҳга энг яқин амир) мартабаларига сазовор бўлган, элу юртининг дуосини олган.

Назаримизда, давлатчилик ва уни бош-қариш масалаларида Алишер Навоий фао-лияти ва ижодининг ушбу жиҳатлари иб-ратлидир:

Биринчидан, Алишер Навоий вазир си-фатида Пайғамбарнинг "Бир соатлик адо-лат олтиш йиллик ибодатдан афзал", деган сўзларини шор қилиб олган экан. Бу ҳақда шогирди тарихчи Хондамир шундай ёзган: "Ҳазрат вазир бўлиб иш-лаган пайтда қайдо бирор-бир адолат-сизликка йўл қўйган чоғлари истейфо сўраб ўзи подшо Ҳусайн Бойқаро ҳузу-рига таширф буюрар ва подшо уни яхши сўзлар ҳамда насиҳатлар билан қайта-рар экан".

Иккинчидан, Навоий давлат хазинасини муқаддас билар эди. Унинг фикрича, ўзига тўқ киши давлатдан маш умид қилиши у қадар тўғри эмас. Аксинча, давлат камо-мадларини тўлдириш учун ёрдам қўлини узатиши лозим. Сўзи билан иши бир бўлган Ҳазрат Навоий 1483 йилда ўз ҳисо-бидан давлат пойтахти Ҳирот шаҳрининг бир йиллик аҳоли солиғини тўлаганлиги тарихдан маълум. Бундан ташқари, Наво-ийнинг 52 раббат, 20 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, кўп-лаб масжидлар қургани, унинг маблағи бино қилинган "Ихлосия", "Ха-лосия", "Шифоия" мадрасаларида юзлаб илми толиблар тахсил олгани ҳақида Хон-дамирнинг тарихий асарларида маълумот мавжуд.

Учинчидан, унинг фикрича, подшо адо-лат йўлини тутаганида, унга хизматда бўлиш қиймет кўнида йўл қўйилган гуноҳларнинг озаёишига олиб келади. Бу ҳақда "Сади Искандарий" ("Искандар девори") досто-нининг қатор ўринларида сўз юритилган.

✓ Талқин

ННТлар ҳамкорлиги

ижтимоий шериклик ривож

ФУҚАРОЛИК жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилолган ислохотларимизнинг очкилиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ўрнини қучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Қонунни ишлаб чиқишда, энг авва-ло, ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий қўллаш амалиёти, бу борада миллий қонун-чиликда умумэтироф этилган принцип-лар ва халқаро-ҳуқуқ нормалари ҳамда хорижий мамлакатлар таърибаси ўрганилган.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун 5 боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-боб умумий қоидаларга бағиш-ланган. Ушбу бобда Қонуннинг мақсади, ижтимоий шериклиқнинг тушунчаси, субъектлари, асосий принциплари ва со-ҳалари очиб берилган.

Хусусан, Қонуннинг 3-моддасида иж-тимоий шерикликка қуйидагича таъриф бе-рилган: Ижтимоий шериклик давлат ор-ганларининг нодавлат нотижорат ташкилотла-ри ва фуқаролик жамиятининг бошқа ин-ститутлари билан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурлар-ни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикли-қнинг субъектлари сифатида бир томондан давлат органлари, иккинчи томондан эса нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар.

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикли-қнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Унда иж-тимоий шериклиқнинг асосий шакллари сифатида:

— ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлари ишлаб чиқиш ҳамда амалга оши-ришда нодавлат нотижорат ташкилотлари-нинг ва фуқаролик жамияти бошқа ин-ститутларини иштироки;

— нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузури-даги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жа-моатчилик маслаҳат органлари фаолияти-да иштирок этиши;

— ижтимоий шериклик субъектлари то-монидан биргаликда тадбирлар, маслаҳат-лашулар ва музокара-лар ўтказиш;

— ижтимоий шериклик субъектлари то-монидан ижтимоий шериклик тўғрисида битимлар ва шартномалар тузиш, бирга-

Юқоридаги ҳикматни тинглаб, бугунги иш-ларимизнинг оқибатини ўйлайсан киши. Назаримизда, бугунги аъмолимиз бир қўн келиб гуноҳларимизнинг-да кечилишига сабаб бўлса, ажаб эмас;

тўртинчидан, Навоий Астрообод вилоя-тида ҳоким экан, устози Абдурахмон Жо-мийга ёзган мактубларининг бирида шун-дай дейди: "Ҳокимлик дуруст иш экан, ях-шими, ёмонми — ҳар бир ишнинг эл қўриб, гап қилиб туради. Вақти келиб Пай-ғамбар "Нега гуноҳинг кам?" деб сўраса-лар, қамини Астроободда ҳоким бўлганман, дея жавоб қиламан". Бундан шундай маъ-но чиқадики, раҳбар бўлиб ишлаётган ҳар бир шахс бугун риёзат чекаса, оқибат ях-шилиқ кўрар экан;

бешинчидан, Навоий дейдики, давлат қучли бўлиши керак, бунинг учун давлат ишида ишлаётган кишининг қўли юмук, қўлиги қар ва сёғи юрмас бўлиши лозим ("Холоти Сайид Ҳасан Ардашер"). Булар — давлат ишидаги одам очкў бўлмасли-ги, қўлиги ёмон сўзларни эшитмаслиги (яъни, эшитмаганга олиши) ва ноқоиз жой-ларга қадам босмаслиги зарурлигига ишо-ра эканини сезиш қийин эмас.

Хуллас, Навоийда давлатчиликка оид ўғитлар беҳисоб. Улуғ шоир "Саъян сай-ёр" ("Етти сайёра") достонининг тугал-ланмасида Баҳром умрининг маъноси ҳақидаги теран ўйлар ва изланишларин-нинг натижаси бўлиш туш манзарасини беради. Унинг тушига Баҳром кириб, ўзи-нинг "утягли" эканидан ёзгради ва сўзи-ни тугатар экан, шоир ҳақида шундай ба-шорат қилади:

Санки мустаҳсан ўтти авқотинг,
Яшилликча қичиб дурур отинг.
Минг йил умид эрурки, қолғайсан,
Янги от — ўқ жаҳонга солғайсан...

Навоий номи асрлар оша эзгулик ра-ми-зи бўлиб қолганлиги бу сўзларнинг нақа-дар ҳақиқат эканини кўрсатиб.

Зокир УМАРОВ,
ИИБ Академияси
ўқитувчиси

✓ Адлия аралашгач...

Шартномадаги шартлар

бажарилиши таъминланди

МАЪЛУМКИ, сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъект-лари фаолиятини мустаҳкамлаш ва янада қўллаб-қувватлаш соҳасига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, тад-биркорлик фаолиятининг асосини шартномавий муносабатлар ташкил этади. Сабаби, ҳар бир тадбиркор ҳар қандай муносабатга, албатта, шартнома орқали киришади.

Тузилган шартномаларнинг ижро-сини таъминлаш ва ҳуқуқий ме-ханизмини белгилаш мақсадида ilk мустақиллик йиллариданоқ ушбу со-ҳани тартибга солувчи қонун ҳуж-жатларининг ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши таъминланди. Бундай қо-нун ҳужжатларининг қаторига Ўзе-бекистон Республикасининг Конс-титудияси, Фуқаролик кодекси, "Ҳу-жалик юритувчи субъектлар фа-олиятининг шартномавий-ҳу-қуқий базаси тўғрисида"ги Қо-нун ва бошқа бир қатор ҳукумат қарорлари, идоравий норматив-ҳу-қуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ушбу ҳужжатларда шартнома ту-шунчаси, тарафлар ўртасида шарт-номалар тузилиши ва бажарилиши, мажбуриятлар бажарилмаганда ёки

лозим даражада бажарилмаганда та-рафларнинг жавобгарлигини тартиб-га солишга оид ҳамда бошқа асо-сий қоидалар белгилаб берилди.

Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларда давлат органлари-нинг асосий вазифалари ҳам назар-да тутилди.

Жумладан, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартно-мавий-ҳуқуқий базаси тўғриси-да"ги Қонуннинг 8-моддасига асо-сан, маҳаллий давлат ҳокимияти органла-ри ўз ваколатлари доирасида:

— давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар қўрсатиш шартномалари-ни, шунингдек, контрактация шарт-номаларини тузиш ва бажариш иш-ларини мувофиқлаштириб боради;

— ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатла-рини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини қўради.

Юқоридагилар билан бирга,

Қонуннинг 23-моддасида адлия органлари ҳўжалик юритувчи суб-ектларга шартнома мажбуриятлари-ни тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам қўрсатиши, шунингдек, ўз ва-колатлари доирасида ҳўжалик шарт-номаларининг бажарилиш жараёни-ни назорат қилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, адлия идо-ралари томонидан 2015 йилнинг 9 ойи давомида ҳўжалик юритувчи субъектларга тайёрловчи, таъминот-чи ва хизмат қўрсатувчи ташкилот-лар билан 513 мингдан зиёд шарт-нома тузилишида зарур таъминли ва ҳуқуқий ёрдам қўрсатилди.

Бундан ташқари, шартномавий ин-тизомни мустаҳкамлаш ва шартнома-вий мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича мониторинг юритилиши ус-тидан доимий назорат олиб бори-лмоқда. Хусусан, бу борада тегшлиш назорат олиб борилиши натижасида шартномалар тузилиши бўйича 317 мингга яқин, шартномалар бажари-лиши бўйича 105,7 мингта қонунбу-зилиш ҳолати аниқланди.

Маъзур хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан давлат органларида 5,8 мингдан ортиқ огоҳ-нома ва тақдирнома киритилди.

Аъзамжон САРАБЕКОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Шароф ЭШИМОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Муносабат

Тамаки ва алкоголь тараққиётга ғов

МУСТАҚИЛЛИККА эришилган дастлабки йиллардан бошлаб соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генфондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишларни амалга оширганимиз барчамизга яхши маълум, албатта.

2015 йилнинг 30 декабрида матбуотда эълон қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам инсон саломатлигини ҳимоялашга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, мазкур Қонуннинг қабул қилинишидан асосий мақсад:

— алкоголь истеъмол қилмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда алкоголни истеъмол қилишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини қамайтириш;

— жамоат жойларида ва транспортда алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлиги учун жазо чоралари миқдори-

ни ошириш йўли билан ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;

— алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар, яъни тугма жисмоний нуқсонлар, барвақт ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг камайишига қўмаклашиш, натижада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни самарали bajarishга эришилдан иборатдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, тамаки чекиш ҳар йили тахминан 6 миллион одамнинг ўлимига сабаб бўлмоқда.

Дунёда тамакидан ҳар 6 сонияда тахминан битта инсон вафот этади, яъни катталар орасида ўлим ҳолатларининг ҳар ўнминчиси тамаки туфайли юз беради. Бугунги кунда тамаки истеъмол қилувчиларнинг тахминан ярми пировард натижада у билан боғлиқ бўлган касаллик туфайли вафот этади.

XX асрда тамаки 100 миллион инсоннинг ўлимига сабаб бўлган. Агар чора-тадбирлар қўрилма-



са, 2030 йилга келиб ҳар йили тамаки билан боғлиқ бўлган ўлим ҳолатларининг сони 8 миллиондан ортиб кетади.

Катталар орасида иккиламчи тамаки тутуни жиддий юрак-қонтомир ва респиратор касалликларни, шу жумладан, юрак ишемик касаллиги ва саратон касаллигини келтириб чиқаради.

2004 йилда иккиламчи тамаки тутуни билан боғлиқ бўлган барча ўлим ҳолатларининг 28 фоизи болаларга тўғри келган.

Азалдан ўрта Осиёда тутунсиз тамаки — носвой

чекиш жуда ривожланган. Носвой чекиш мустаҳкам ҳаётий эҳтиёж сифатида одат тарзида кўпчилик одамларнинг турмушига кириб келган. Носвой асосан хонаки шароитларда тайёрланиб, унинг асосий таркибий қисми паст навали маҳорка ёки тамаки бўлиб, қўшимча равишда сўндирилмаган оҳак турли ўсимликларнинг таркибий қисмлари, ёғ қўшилади.

Онкологларнинг маълумотиغا кўра, тил, лаб ва оғиз бўшлиғидаги бошқа аъзолар ҳамда қизилунгач саратонларнинг 80 фоизи носвой истеъмол

қилиш билан боғлиқ.

Мазкур Қонун қабул қилинганга қадар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда фақатгина жамоат транспортида чеканлик учун 122-моддада маъмурий жавобгарлик белгиланган эди. Бунда қонун жамоат транспортидан фойдаланаётган шахслар тамакининг бошқа турларини, шу жумладан, нос чекишларини ман қилмас

барча ўлим ҳолатларининг 5,9 фоизини ташкил этади. 20-39 ёшли аҳоли орасидаги барча ўлим ҳолатларининг тахминан 25 фоизи алкоголь билан боғлиқ.

Алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш саломатликка салбий таъсирдан ташқари, мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар ва йўл-транспорт ҳодисалари одамларнинг ҳаётига катта ижтимоий-иқтисодий зарар етказиши. Мамлакатимизда 2011 йилда маст ҳолатда автотранспорт ҳайдашга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўйилди.

Шу муносабат билан ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасига ўзгартиш киритилиб тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек, алкоголь маҳсулотини қўйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий оқватлаш объектларидан ташқари иш жойларида, кўчаларда, ўйингоҳларда, хийбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиб, бунинг учун тайинланган жазо миқдори ҳам оширилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилиниши етук ва баркамол авлодни тарбиялашдек, миллат тақдири ҳамда келажига дахлдор ўта муҳим вазифага янада маъмурийят билан ёндашишни тақозо қилади.

Дилфуза УРАЛОВА, Олий Мажлис депутати

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларида ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бухоро вилояти
Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах вилояти
Бахмал туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Навоий вилояти
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учкудук туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилояти
Норин туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учкурган туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўрган туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрақўрган туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилояти
Сариосиё туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Музабод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Меънат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабдорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топишган, лекин нотариус лавозимида ушбу йил мобайнида ишламаган талабдорлар эъс малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охириги иш жойидан берилган меънат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ватдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қандай ушбу йил мўддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкага ўтган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси Бухорои ишлор қўғиш мўҳимини.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2016 йил 1 март) Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуфобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси 5. Телефонлари: (0-371) 233-44-48, 236-78-52, (инчки) 183, 184, 185.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 27-банди ҳамда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 январдаги 8-ум-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳридаги “Адолат” адвокатлик фирмаси адвокати Халиков Абдулқалим Хайризоилович адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи SU №000032-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисида.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан “Сурхон Баркамол Ишон” адвокатлар ҳайъати адвокати Қароров Бахромидин Турсунқўлиевич адвокатлик гувоҳномаси йўқлигини сабабли адлия бошқармасининг 2016 йил 13 январдаги 7-ум-сонли буйруғига асосан унга 232-рақамли энги адвокатлик гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Ражабов Алишер Шарифович 2016 йил 16 январда Термиз шаҳридаги “Адолат” адвокатлик фирмасида адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги мўносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 18 январдаги 10-ум-сонли буйруғига асосан унга адвокатлик мақоми ва гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Бобожанов Нурулло Примулович 2016 йил 12 январда Термиз шаҳридаги “Адолат” адвокатлик фирмасида адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги мўносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 13 январдаги 6-ум-сонли буйруғига асосан унга адвокатлик мақоми ва гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Каримов Бахтиёр Азизович 2016 йил 4 январда Шеробод туманидаги “Шеробод-Адолат-Жамоат” адвокатлар ҳайъатига адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги мўносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 9 январдаги 2-ум-сонли буйруғига асосан унга адвокатлик мақоми ва гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Махмудовлар Панжи Холназарович 2016 йил 5 январда Термиз шаҳридаги “Сурхон Баркамол Ишон” адвокатлар ҳайъатига адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги мўносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 11 январдаги 3-ум-сонли буйруғига асосан унга адвокатлик мақоми ва гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 13 январдаги 6-ум-сонли буйруғига асосан “Б.Алимов” адвокатлик бюроси адвокати Алломов Бахтиёр Юлдашевичга бошқарма томонидан 2009 йил 17 июнда берилган НЗ 000092 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 6 ой мўддатга тўхтатилади ҳамда “САДОН ООСНОҚОР” адвокатлик бюроси адвокати Дўрчаев Ботир Атабозиевич Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 ноябрда берилган НЗ 000098 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой мўддатга тўхтатилади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 21 январдаги 14-ум-сонли буйруғига асосан “Омонбой Ибрагимов” адвокатлик бюроси адвокати Ибрагимов Омонбойга бошқарма томонидан 2009 йил 30 ноябрда берилган НЗ 000094 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисида ҳамда Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 21 январдаги 17-ум-сонли буйруғига асосан “URGANCH LEGAL SERVICE” адвокатлик фирмаси адвокати Қўчқоров Бекзод Шероғичга бошқарма томонидан 2011 йил 31 январда берилган НЗ 000117 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисида.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2015 йил 18 декабрдаги 58-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги “Севин” адвокатлик фирмаси адвокати Султонова Маъмурини Кадровичга 2009 йил 3 июнда бошқарма томонидан берилган ОЗ №000008-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой мўддатга тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 22.12.2015 йилдаги №483-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “FBS MUQUQIY NIYOYA” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Бердиқўлов Даниёр Хўсаналиевич адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлимайдиган доимий лавозимга тайинланганлиги сабабли адвокатлик мақоми амалдаги “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига биноан мазкур иш давригача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 24.12.2015 йилдаги 487-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “VERBIO” адвокатлик фирмаси адвокати Маматов Абдуқаббоб Махматовичга бошқарма томонидан 31.10.2014 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан ушбу ошмайдиган мўддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тўғрисидаги ташкил этилувчи қадар ёқуд мавқуд адвокатлик тўғрисидаги бирга киргувчи қадар бўлган давригача тўхтатилади.

Малака комиссиясининг 23.12.2015 йилдаги 12-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 25.12.2015 йилдаги 488-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “XALQARO-MUQUQIY ISHLAR BO'YICHA” адвокатлар ҳайъати адвокати Абдулсатторов Шухрат Хавратовичга бошқарма томонидан 03.05.2013 йилда берилган ТН-001663-сонли адвокат мақоми олиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 04.06.2013 йилда берилган 2840-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малака комиссиясининг 23.12.2015 йилдаги 12-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 25.12.2015 йилдаги 488-ш/т-А-сонли буйруғига асосан “SHAYONTONUR ADVOKATLARI” адвокатлар ҳайъати адвокати Пулатходжаев Шўхруҳга бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган ТН-000272-сонли адвокат мақоми олиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 30.06.2009 йилда берилган 109-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

“Ҳуқуқ ва бурч” журнали ҳамда “Инсон ва қонун” газетаси жамоалари журналининг бўлим мудири Абдумуталиб Уктамовга отаси

Қурбон УКТАМОВнинг вафоти мўносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси коллеж педагоглари Лак Фаина Федоровнага отаси

Лак Федор НИКОЛАЕВИЧнинг вафоти мўносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Зулфия Ибрагимовнага онаси

Минихидас ИМАМОВнинг вафоти мўносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Мактуба Алламбердиевага отаси

Абдуқалил ХОЖИҚУЛОВнинг вафоти атганликлари мўносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Реклама

Бугуннинг гапи

Интернет

замонавий “совчи”ми?

КўЧАДАН ҳар сафар чехраси ёришиб қайтадиган қария бугун нимагадир тушқун кайфиятда шошганича ўз уйига кириб келди. Ҳовли юзидagi чорподада бамайлихотир ўтирган кампирини ҳузурли чорлади.

— Хали мен билан сенинг кўзимиз очик бўлатуриб, болаларимиз пинхона иш қиладиган бўлдимми? Чой-хонада ўтирсан танишлардан биттаси менга шундай деб қолди:

— Набира куёв муборак бўлсин. Кеча набирангиз хорижлик бир йигит билан ФХДёда ўйхатдан ўтаётган экан. Энди тўй қачон дейди. Ёки болаларинг сенга маслаҳат қилишгандими? Бу гаплардан мутлақо хабарсиз кампир хангу манг бўлиб, ёлка қисди. — Набирангиз интернет орқали танишган куёв кеча хориждан келибди. Тўй кунини белгиласак, сизларга айтамиз деган эдик, — дея гапга аралашди хонадон келини. — Ҳафза бўлмайсизлар, ҳозир замон шунақа. Ҳамма ишни интернет орқали битириш мумкин.

— Интернет деганинг нима ўзи? Ҳеч бир замонда никоҳдан шу сабил қолгур орқали ҳам ўйхатимми? Ўзбекистонда никоҳнинг ўз расми-русуми бор. Қиз ўстирган хонадонга совчи келади, удумимиз бўйича ўшларнинг қолдуги-қолдугига тўғри келса, ундан кейин қавму қариндош, қўни-қўшни гувоҳлиғида нон синдирилади. Ҳаётини бўлсин деб совчиларга оқ рўмол беришади. Интернетдаги куёвнинг ота-онаси, насл-насаби, ирки, зоти, зурриётини билмай қиз бериш бу бизнинг менталитетимизга хос нарса эмас.

— Бунақаси кетмайди келин. Менинг кўзим очик экан бунга йўл қўймайман. Маҳалладаги тўй-ҳашамларда қатнашиш элнинг ошини ёб юрибман. Эртага маҳалла-қўйда ким деган одам бўламиз. Худога шукр бошимда дўппим, белимда болбоғим бор. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келмаётган урф-одатларга оёқ қўйиш, бу кечириб бўлмас хато эмасми? Чиндан ҳам кейинги пайтларда бу каби ҳам қулғули, ҳам ачинарли воқеалар ҳаётимизда тез-тез учраб турибди.

— Ҳа, бугун ҳақиқатан ҳам айрим ўшларимиз биз учун ноанъанавий бўлган тартиб-қоидалар орқали никоҳдан ўтаётганликлари рости, — дейди Каттакўрган шаҳар ФХДё бўлими мудариси Ситора Рашидова. — Ўтган йили Зухра Ярашева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) интернет орқали Туркия мамлакатидagi бир йигит билан танишиб никоҳдан ўтганди. Яқинда кўз ёш билан бўлишимизга келиб катта хато қилганлигини, хорижлик куёв уни алдаб ўз мамлакатига олиб борганидан сўнг унинг мақсади бошқа эканлигини билиб қолганлигини айтиб, дардини тўкиб-сочди.

Никоҳ муқаддас маросим. Унинг ўз темир қонун-қоидалари бор. Бу маросим шунчаки қўнгилхушлик, кайфиятни чоғ қиладиган ўйин ёки эрмак эмас, балки оила деб аталмиш муқаддас қўғоннинг пойдевори айнан никоҳдан бошланади.

Шундай экан, мустақил ҳаёт оstonасида турган ҳар бир ёш онгига миллий урф-одатларимизни сингдириш, менталитетимизга хос бўлмаган одатлардан асраш биз катталар учун бугунги куннинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Қаламга олинган мазкур мавзу юзасидан қўллаб-мақолалар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар ҳам намойиш этилди. Аммо юқорида тилга олинган ҳолатлар бугунги кунда ҳам учрамоқда. Бизнинг бу мавзунини қисқа бўлса-да, қозғоғга туширишимиздан мақсад — яна бир бор огоҳликка, ҳушёрликка ва фарзандларимизни эътибордан четда қолдирмасликка ундаш эди.

Азиз ҚОДИРОВ,

“Инсон ва қонун” муҳбири

Qishloq Qurilish bank

Барча юртдошларимизга қўйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«Соғлом авлод» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
«Қиш фелажи» — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.
«Ёрқин қаслажак» — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
«Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўна берилади.

Қўйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Хонадон» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
«Мадад» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
«Қурилишга бошланғич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:

✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
✓ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Такдимот

Хурмат ва
эҳтиром намунаси

АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Демократия ва инсон ҳуқуқлари" институти ҳамда "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда "Кексаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — бизнинг бурчимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда "Кексалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"нинг тақдими бўлиб ўтди.

Кексаларимизга ғамхўрлик рамзи сифатида тайёрланган мазкур тўпламда унинг ҳуқуқий мақомини белгилловчи, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, ижтимоий муҳофаза этишга, имтиёз ва афзалликлар беришга, имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган халқаро шартномалар ва миллий қонун ҳужжатлари киритилган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Кексаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида "Демократия ва инсон ҳуқуқлари" институти ташаббуси билан "Адолат" нашриётида chop этилган.

— Мамлакатимизда ўтган йил "Кексаларни эъзозлаш йили", деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилиниб, давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари мазкур Дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажариш юзасидан алоҳида намуна кўрсатди. Улар қаторида "Демократия ва инсон ҳуқуқлари" институти ҳам бор. Жумладан, жамиятда инсон ҳуқуқларига риоя этиш маданиятини янада юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ҳуқуқий саводхонлик орқали кўмаклашиш интиқининг асосий вазифасидир. Ана шундай эзгу мақсадлар мазкур китобни ҳаётимизнинг гултожи, хондонларимизга кўрки, файзи, қалбимизнинг кўри, суянчимиз ва таянчимиз бўлган барчамиз учун азиз ва қадрили кексаларимиз учун нашр этишга ундади. — дейди тадбир ташкилотчиси, институт директори Сайёра Ходжаева.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Анжуман

“Ягона дарча” тадбиркорлар хизматида

МАЪЛУМКИ, 2016 йил 1 январдан мамлакатимиз бўйлаб тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи "Ягона дарча" марказлари ўз фаолиятини бошлади. Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, рўйхатга олиш билан боғлиқ деярли барча ташкилий тадбирлар эндиликда замонавий электрон маълумот тизими кўмагида янгича иш усуллари ва тартиб-таомиллари асосида амалга оширилмоқда. Бу борадаги долзарб вазифалар Хо-разм вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳокимлиги, Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган семинар-йи-гилишда атрафлича баён этилди.

Анжуманда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги қарори асосида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари фаолияти ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш тартиби бўйича тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги қарорлар ижросига тааллуқли бир қатор вазифалар адлия органлари зиммасига юклатилган. Тадбирда Хо-разм вилоятида ҳам "Ягона дарча"

тамойилини амалга оширувчи мар-казлар ўз фаолиятини бошлагани оқилона ташкил этиш чора-тадбир-лари тўғрисида фикр юритилди. Жо-рий этилган янги қоидага мувофиқ тадбиркорлик субъектларини рўйхат-га олиш жараёни тадбиркорларнинг деярли иштирокисиз электрон маъ-лумот тизими орқали амалга ошади.

Қизгин мулоқот ва савол-жавоблар асосида ўтган тадбир иштирокчи-лари Урганч шаҳар "Ягона дарча" марказининг фаолияти билан яқин-дан танишдилар.

Хушнуд МАТЕКУБОВ,
Хоразм вилоят
адлия бошқармаси
масъул ходими

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— ТАҚДИР тақозоси билан ёлғиз қолдим, ҳомилдорим, маълумотим олий. Ўзим ва 1 нафар вояга етмаган боламини боқиш мақсадида ишга кириш учун Халқ таълими ва Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқар-маларига мурожаат қилдим. Аммо улар ҳомилдорлигимни ваъж қилиб, ишга қабул қилишмаяпти. Ҳомилдор ва вояга етмаган боласи бор аёлларни ишга қабул қилишда қандай имтиёзлар бор?

Салима ОРТИҚОВА,
Шофиркон тумани

— Меҳнат кодексининг 224-моддасига кўра, ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомилдор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақ-дирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Шунга кўра, сиз мурожаат қилган корхона ва ташкилотдан ишга қабул қилишни рад этганлик сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда жа-воб хати олишингиз ҳамда ушбу хат асосида судга шикоят қилишингиз мумкин.

Саволга Бухоро шаҳар 1-сон
ФХДБ бўлими мудираси
Зубайда ҚУРБОНОВА жавоб берди.

— ГУРУХ раҳбаримиз дарс жараёнида вояга етмаганлар-нинг ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинганини таъкид-лади. Шу хусусда батафсил маълумот берсангиз?

Машхура МАМАНАБИЕВА,
Олтиариқ тумани, Эски Араб ШФЙ

— Вояга етмаганлар ҳуқуқларининг давлат томонидан муҳофа-за этилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти-ни такомиллаштириш ҳақида"ги қарори, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофа-за қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив сано-матлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмир-лар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дасту-ри тўғрисида"ги қарорлари билан ҳам мустаҳкамланган. Қола-верса, дахлдор бошқа қонунларимиз ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари инobatта олинган ҳолда қабул қилинган. Масалан, амал-даги Жиноят кодексига мувофиқ жиноят содир этган вояга ет-маганларга нисбатан енгилроқ жазо тайинланади. Яъни, кодекс-нинг 81-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят со-дир этган шахсларга фақат жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодлиқни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўллани-лиши мумкин ҳолос. Уларга нисбатан қўшимча жазолар тайинла-ниши мумкин эмас.

Саволга Олтиариқ туман ФХДБ бўлими мудираси
Одина ХАЛИЛОВА жавоб берди.



Реклама ўрнида

Тадбиркорлик ривожини — тараққиёт мезони

МАМЛАКАТИМИЗДА саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қарати-лмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Республикада бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштириладигани эса муваф-фақиятлар омили бўлаяпти. Бу жараёнда "Асака" акция-дорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиали ҳам феола иштирок этиб келмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур фи-лиал кредитларининг сал-моқли қисми йирик саноат корхоналари ва кичик биз-нес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини тако-миллаштиришга йўналти-рилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тай-ёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, "Syntetic Invest Technology" масъулияти чекланган жамиятига имти-ёзли шартларда кредит аж-ратилган, бу ерда замона-вий технология линиялар ўрнатилиб, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг асосий-си, 100 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, шулар қаторида, 12 нафар касб-хунар коллежи битирувчи-ларининг ҳам иш билан

бандлиги таъминланди. — "Асака" банкда миқозлар талаби ва эҳтиёжига мос бўлган кредит сиёсати юри-тилмоқда, — дейди "Syntetic Invest Technology" масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодир Турсунов. — Бу эса бизга қисқа фурсатда лойиҳа-мизни амалга оширишга ва бошқа молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишга кенг им-коният яратди. Биз "Асака" банк ходимлари ва раҳбария-тига ишлаб чиқарувчиларни феола қўллаб-қувватлаётганлик-лари учун чин дилдан миннат-дорчилик билдириб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз, ҳамкорлигимиз бун-дан буюн ҳам давом этишига умид қилиб қоламиз.

Банк филиали томонидан "AL-VAIR" масъулияти чеклан-ган жамиятига ажратилган кре-дитлар натижада бу корхо-нада полиграфия маҳсулотла-



ри ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ортди.

— "Асака" банк жамоаси-нинг молиявий хизматидан, миқозларга самимий муноса-бати ва бегараз маслаҳатла-ридан миннатдоримиз, — дей-ди "AL-VAIR" масъулияти чек-ланган жамияти директори Ирина Синокова. — Бундан кейин ҳам ушбу молия муас-сасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамыз.

Банк филиали хизматлар кўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янги хиз-мат турларини жорий этишда илгари одимламоқда. Бундан,

айниқса, миқозлар мамнун.

— Бизнинг "Soxil Kommunal Servis" хусусий уй-жой мулк-дорлари ширкати Яққасарой туман Кушбеги мавзесидаги бешта 5 қаватли уй-жойга хиз-мат кўрсатади, — дейди шир-ди "AL-VAIR" масъулияти чек-ланган жамияти директори Рашид Ибрагимов. — Биз ўз фаоли-ятимизни бошлаганимизда уй-жой фонди эски, муаммолар эса беҳисоб эди: томдан чак-ки оқар, қувурлар ёрилиб ке-тар, иситиш тизими яхши иш-ламас, электр таъминоти бу-зиллиб турар, лифт тўхтаб қолар ва ҳоказо эди. Бундан биз ҳам, аҳоли ҳам норози эдик. Бизга барча муаммолар-ни бир пайнинг ўзида ва тез-

корликда ҳал этиш қийин бўлган эди. Бунинг учун маб-лағ зарур эди-да. Биз узоқ вақт ўйлаб ўтирмадан молия-вий кўмак сўраб республика-миздаги барқарор ва ишонч-ли банклардан бири бўлган "Асака" банкнинг Автотранс-порт филиалига мурожаат қил-дик. Банк мутахассислари биз-нинг масалани тезкорлик бил-ан қўриб чиқиб, ўзларининг зарурий маслаҳатларини бер-ди ва ижобий қарор қабул қилишди. Муаммоларимизни ҳал этишда "Асака" банк яқин-дан ёрдам берди. "Асака" банкдан уй-жойларни таъмир-лаш ва ободонлаштиришга за-рур бўлган қурилиш матери-аллари олиш учун имтиёзли шартларда кредит олдик. Банк кредити ҳисобига уй-жойлар-ни, электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминотини, иситиш тизимини мукамал таъмирладик, ободонлашти-риш ишларини амалга ошир-дик. "Асака" банк кредити ту-файли барча муаммолар ҳал этилди. Муаммолар тезликда ҳал бўлганидан биз ҳам, аҳоли ҳам ҳурсанд. Бизга мо-лиявий ёрдам кўрсатганликла-ри учун "Асака" банк ходимла-рига ўз миннатдорчилигимиз-ни билдирамыз ва уларнинг келгусидаги ишларида муваф-фақиятлар тилаймиз.

Таъкидлаш керакки, ўтган

йилда банк филиали бу бора-даги лойиҳаларни молиялаш-тиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан қўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредит-ларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъ-минлашдан иборатдир. Шу боис маҳаллий хомашё неғи-зида тайёр маҳсулотлар, бут-ловчи буюмлар ҳамда турли материаллар ишлаб чиқариш-га мўлжалланган инвестиция-вий лойиҳаларни амалга оши-ришда феолиқ кўрсатилмоқ-да.

Кўриладиган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банк-нинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораёпти. Пи-ровардида, мулкчиликнинг барча шаклидаги ҳўжалик юри-тувчи субъектлар, айнақса, оилавий бизнес ва кичик тад-биркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар то-монлама қўллаб-қувватланаё-тир. 2016 йил 1 январь ҳола-тига кўра, банк филиали кре-дит қўйилмалари ҳажми 216,5 миллиард сўмни ташкил қил-ди. Эътиборлиси, кредит қў-йилмаларининг асосий қисми-ни узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

2015 йил мобайнида банк филиали томонидан кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркор-лик субъектларини ривож-лантиришга 107,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг нати-жасида қўллаб-янги иш ўринлари яратилиб ёш ий-гит-қизлар иш билан таъ-минланди.

Ҳозирги пайтда банк фи-лиали томонидан ресурс ба-засини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифати-ни яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида феола ишлар олиб боришмоқда. Шу мақсадда жалб этиладиган кредит ли-ниялари ва банкнинг ўз ре-сурслари ҳисобидан ажрати-ладиган кредитлар ҳажмини қўлайитиришга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банк Автотранспорт филиали мамлакатимиз мо-лия бозорига истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатларига вақти-да муносабат билдираётган, миқозларга кўрсатиладиган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифа-тида ўз ўрнини тобора мус-таҳкамлаб, миқозлар ишон-чини қозониб бораётир.

(Ўз мухбиримиз)

Хизматлар лицензияланган.